



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI! O'ZBEKISTON O'QOVOLARI

• 2017-yil, 18-mart. Shanba • 33 (32.248)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий sanoat кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг нуфузли делегациялари иштирокида қўшма бизнес-форум ўтказилиши кўзда тутилган.

Ташриф якунлари бўйича давлатларaro, ҳукуматларaro ва идораларaro бир қатор муҳим ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини сиёсий жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган салмоқли тижорий шартномалар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЛОКОМОТИВЛАРИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ҳисоб бўйича иккинчи хорижий ташрифи ҳам қўшни мамлакатта амалга оширилаётгани Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик муносабатларига устувор аҳамият қаратилиши белгиланган Ташқи сиёсий фаолият концепциясига ҳамроҳдир. Бу ҳақда мамтақатимиз етакчиси ўзининг сайловолди кампанияси чоғида бир неча бор айтиб ўтган эди.

Маълумки, Қозоғистон Республикасида муҳим стратегик шериги саналади. Марказий Осиёнинг иккала йирик давлати ўртасидаги ҳамкорлик халқларнинг тарихий-маданий яқинлиги, ўзаро манфаатлар асосида изчил ривожланаётган кўп томонлама алоқалар асосига қурилган.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўсти сифатида Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳаётдан бевақт кўз юмган чоғда ўзбек халқининг қайғусига шерик бўлди. 2016 йил 12 сентябрь кuni Самарқанда Ислom Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирар экан, Президент Нурсултон Назарбоев унинг вафоти бутун минтақа, жумладан, Қозоғистон халқи учун ҳам катта йўқотиш бўлганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги хайрли анъаналарни давом эттирган ҳолда, Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев бир неча бор телефон орқали мулоқотда бўлишди, турли муҳим саналар муносабати билан ўзаро табриklar алмашишди. Бундай суҳбатлар чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон алоқаларининг барча жабҳаларида конструктив, ишончли мулоқотни давом эттиришдан бирдек манфаатдор эканликларини изҳор этдилар.

► Давоми 3-бетда.

Туркман халқига кўнгил изҳори ҚАДР, ИШОНЧ ВА МЕХР-МУҲАББАТ

Ким қандай ўйласа, ўйлайверсин, хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин, туркман халқини ўзбеклардан ортиқ яхши биладиган, яхши кўрадиган бошқа миллатни ҳам, элатни ҳам бу дунёдан топиш қийин.

Яна айтадиган бўлсак, ўзбек ва туркман илдизи бир, тили, дини, урф-одатлари бир, не-не синовлардан бирга ўтган, керак бўлганда, ганимларга қарши бирга курашган, бир дарадан сув ичиб, нон-тузини баҳам кўриб келган халқ. Тарихи ва тақдири бир, қудандачилиги минг йиллардан ошадиган халқ. Шунданми, йигитлари ёнма-ён турса, Ҳасан-Ҳусанга ўхшайди, қизлари худди Фотима-Зухрадек бир биридан гўзал, латофатли.

Ўйлаб кўрсангиз, яна бир ҳақиқатни англайсиз. Ўзбек ва туркманнинг нафақат сиймоси ўхшаш, урф-одатлари ўхшаш, энг муҳими руҳияти, маънавияти ўхшаш. Улуг бобомиз Алишер Навоийни туркманлар биз билан баб-баравар қадрлайди, унинг даҳосидан худди биздек фахрланишарди. Туркманistonнинг доно шоири, ардоқли шоири Махтумқулини ўзбеклар ўз шоиридек сўяди, шеърларини қўшиқ қилиб кўйлайди.

Бундай ўйлаб кўрсак, ўзбек ва туркман халқлари муносабатини «яқин қўшни, ишончли дўст, яқин ҳамкор» сўзлари билан ифодаб бўлмайди. Бизнинг муносабатларимиз даражаси фақат дўстлик билан белгиланмайди. Бизни боғлаб турган асосий восита иқтисодий ҳамкорлик ёки аллақандай бошқа манфаатлар ҳам эмас.

Бизнинг муносабатларимиз дўстлик, ҳамкорлик, яқин қўшничиликдан ҳам юқори туради. Биз томири бир, қалби муштарақ, маънавий, руҳан бир халқмиз. Энг катта кучимиз руҳан бирлигимизда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманiston Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тақлифига биноан давлат ташрифи билан



Туркманistonда бўлганида қонқариндошлигимиз яна бир бор яқол намоен бўлди. Тўғриси, Президентимиз Туркманistonда юксак ҳурмат-эътибор билан қўтиб олинишига ишонардик. Аммо бундай юксак даражадаги самимият, меҳр-муҳаббатни кўриб, қувончимизнинг чеки бўлмади. Аввало, икки Президентнинг бир-бирига самимий муносабати, очик чехра билан олиб борган мулоқотлари, билдирган эзгу тилаклари ўзбек ва туркман халқлари юрагига кўчди, қалбини қувончга тўлдирди.

Ҳозир дунёнинг кўпгина сиёсатчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи бўлиб Туркманistonга давлат ташрифи билан борганига эътибор қаратмоқда. Бизнинг урф-одатларини, ўзбек ва туркман халқи асли қимлигини билганлар тўғри фикр юртиши мумкин. Буни билмаганлар

ҳар хил башоратлар атрофида айланишмоқда.

Шавкат Мирзиёев сайловолди дастурида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимида ҳам аввало, яқин қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадини баён қилган эди. Президентимизнинг Туркманistonга давлат ташрифини халқимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Ташриф доирасидаги тадбирларни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Айниқса, икки халқ санъаткорларининг биргаликдаги концерт дастури халқларимиз қалбининг изҳорига айланди. Ўзбек санъаткорлар туркман қўшиқларини, туркман санъаткорлар эса ўзбек қўшиқларини бир-биридан ўтказиб қўйлади, раққосалар қўл ушлашиб, бир-бирини бағрига босиб хиром айлаши

дилларни дилларга боғлади. Биз саҳнада опа-сингилларни, оғаниларни кўрдик. Соғинчли, меҳрини кўрдик.

Бизнинг қадим дўстлигимиз, биродарлигимиз мустақиллик йилларида кенг қулоқ ёзди, янги шароитда янгила йўлга қўйилди. Бугунги ҳар томонлама ҳамкорлик, мустаҳкам ишонч, самимий дўстлик замирида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислom Каримов хизматлари буюклигини миннатдор бўлиб ёдга оламиз.

Ўзбекистон раҳбари Ислom Каримов билан Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов ҳар бир масалада, ҳар қандай шароитда бир-бирини қўллаб келди. Бу бирлик ишонч ва ҳамкорлигимизни йил сайин юқорига олиб чиқди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорликни юксак даражага кўтариш баробарида стратегик шериклик тўғрисида ҳам шартнома имзолангани тарихий воқеалардан бири бўлди. Бу шартномалар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар олий даражага кўтарилаётганидан дарак беради, ҳамкорлигимиз янги янада юқори босқичга кўтарилганини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманistonга ташрифининг энг ҳаяжонли, тарихий воқеаси Туркманобод шаҳрида бўлиб ўтди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Маълумки, ўтган йил сентябрь ойида халқимиз бошига оғир мусибат тушди. Биринчи Президентимиз Ислom Каримов билан видолашув учун Гурбангули Бердимухамедов биринчилардан бўлиб, Самарқанда келган эди.

Видолашув маросимида у қанчалик изтироб билан гапириб, халқимизга ҳамдарлик билдиргани ҳамон кўз ўнгимизда турибди, ҳалигача одамлар унинг чин кўнгилдан қайғуриб айтган сўзларини ҳурмат билан эслашади.

Тўғриси, киши қадрдон устози ёки туғишган оғаси билан видолашаётганда ана шундай чуқур изтироб чекади, қайғуга тушади. У ҳамдардлик билдираётганида бизга қараб «туғишганлар» деган сўзни ҳам юрагидан айтди, кишини ўйга толдирадиган, ҳулоса чиқарадиган қилиб айтди. Уша нутқида Гурбангули Бердимухамедов Туркманistonда ҳам буюк йўлбошчимиз хотирасини абадийлаштириш, қўчаларга унинг номини бериш, ҳайкалинини ўрнатиш ҳақида гапирган эди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманistonга ташрифининг иккинчи кунини Туркманобод шаҳридаги марказий кўчага Ислom Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди, Биринчи Президентимиз бюсти ўрнатилди. Мажмуа деворида Ислom Каримовнинг шундай сўзлари битилган: «Биз қадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик — бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир». Бу сўзлар ўзбек ва туркман тилларида битилган. Бу сўзлар ҳар икки халқ юрагига муҳрланган.

Тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк давлат арбоби, узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи, Ўзбекистон — Туркманiston дўстлигини абадийлаштиришда буюк ҳисса қўшган Ислom Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтиргани учун Туркманiston раҳбарига, халқига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ислom Каримов номи абадийлаштирилгани айни чоғда туркман оғалардан ўзбек халқига кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром рамзидир.

Бу амалий ишлар, оға-инига хос бўлган ишлар туркман халқининг бизга қанчалик яқинлигини яна бир бор кўрсатди. Хурсандчилигимиз ва миннатдорчилигимизнинг чеки йўқ. Тарихий учрашув бўлди, буюк воқеалар бўлди. Икки халқ дўстлиги, оға-иничилигининг тантанаси бўлди, тўйи бўлди. Ҳавас қилишга, ибрат олишга муносиб байрам бўлди.

Яна бир бор тақдорлагинг келади, Ўзбекистон билан Туркманistonни моддий бойлик бирлаштирмайди, манфаат бирлаштирмайди. Бизни аввало, маънавий-руҳий яқинлик бирлаштиради, тарих бирлаштиради, қонқардошлик бирлаштиради. Туркманiston хорижий мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасини абадийлаштирди. Туркманistonда Ислom Каримовга ҳайкал ўрнатилди. Ўзбек халқи қалбида эса туркман халқига ҳайкал ўрнатилди!

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

17 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар кўллаб масалаларни кўриб чиқдилар. Хусусан, сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилган ва ягона яхлит ҳужжат — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган изчил ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент қўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик па

латаси қўмиталарининг мажлисларида вазирлиқлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарада ҳар томонлама ўрганиб чиқилган эди. Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кафолатлаш масалаларига қаратилган катта эътибор алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунга эса, биринчи навбатда, қонунийликни, суд ҳокимиятининг чинакам мустақилли

гини ва судлар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун муайян чоралар кўриломоқда. Хусусан, сўнгги ойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари қабул қилинди.

2017 йил 17 март кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек Абдусаломов билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)нинг директори Михаэл Георг Линк бошчилигидаги делегациянинг учрашуви бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

Марказий сайлов комиссияси раиси Комиссия томонидан сайлов қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ишлар ва унинг фаолияти ҳақида сўзлади.

ЕХХТ ДИИХБ директори Ўзбекистонда сайлов тизимини янада такомиллаштириш масалаларига, хусусан, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга берилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Учрашув чоғида таъкидланганидек, ЕХХТ вакиллари Ўзбекистон сайловларида кузатувчилар сифатида 1999 йилдан буён фаол иштирок этиб келмоқда,

сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, сайловларни демократик таъминлаш ва халқаро стандартларга мувофиқ очик ва эркин ўтказиш мақсадида ЕХХТ ДИИХБнинг тақлифлари ҳар томонлама ўрганилиб, инobatта олинмоқда.

Ўзаро муносабатларини давом эттириш, келгуси ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказида ҳам ЕХХТ ДИИХБ делегациясининг учрашувлари бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати.

► Давоми 2-бетда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим тизими эса давлатнинг бугунги ва эртанги тақдирини ҳал этишда шубҳасиз бекиёс ўрин тутди. Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳар жиҳатдан етук, чуқур билимга эга, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашда долзарб аҳамият касб этади.



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Албатта, ҳар бир қарор ёки фармон муайян соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тизим фаолиятини тубдан яхшилаш, янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинади. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 1411 та касб-хунар коллежларида ёшларимиз бир нечта ихтисослик бўйича касб-хунар ўрганмоқда.

Олий таълим муассасалари қосида 144 та академик лицей ташкил этилган. Очигини тан олишимиз керак, сўнгги пайтларда касб-хунар коллежи ва академик лицейларда ўқитиш сифати, етук мутахассислар тайёрлаш, айниқса, давомат масаласида бир қатор муаммолар юзага келди.

Шунингдек, академик лицейларнинг фаолиятини улар жойлашган ҳудуднинг демографик, иқтисодий ва бошқа омилларини ҳамда битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичлари нуқтаи назардан олиб борилган таҳлиллар

мазкур соҳадаги ишларнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Тасаввур қилинг олий ўқув юрти вилоят марказида жойлашган, бироқ унинг қосидаги академик лицей олис туманда фаолият кўрсатади. Бундай шароитда қандай қилиб, олий ўқув юрти билан академик лицей ўртасида боғлиқлик, назорат бўлиши мумкин. Мазкур қарорда шу қаби кўплаб ҳал этилиши зарур ва шарт бўлган масалалар қамраб олинган.

Хусусан, қарорга кўра, бугунги кунда моддий-техник ва ўқув-методик базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган 4 та академик лицей фаолияти тугатилади ҳамда олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган 54 та академик лицей босқичма-босқич касб-хунар коллежларига айлантирилади.

Қолаверса, инвестиция дастури

лойиҳаси ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда академик лицейлар негизда ташкил этиладиган касб-хунар коллежлари учун янги ўқув устаконалари қуриш учун маблағлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилади. Дунё тажрибасини кузатадиган бўлсак, ўқув дастурлари кўпроқ амалиёт билан уйғунликда олиб борилади. Бунда таълим муассасасининг ўзида мавжуд бўлган ўқув устаконалари имкониятларидан унумли фойдаланилади. Энг асосийси, ўқув устаконасидаги техник ускуналар ҳозирги замон талабларига жавоб бериши масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Шунда касб-хунар коллежини битирган мутахассис энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозланган қорхона ёки ташкилотда бемалол ишлай олади.

Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган энг асосий масалалардан яна бири — бу олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-

ўқитувчиларини академик лицейларда дарс беришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида академик лицейлардаги ўқитувчилик фаолиятига соатбай ҳақ тўлаш миқдори олий таълим муассасаларида меҳнатга соатбай тўлаш миқдорига тенглаштирилишидир. Агарда академик лицейларда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари дарс бериши йўлга қўйилса, бу таълим сифатининг ошишига бево-сита таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган таълим тизими яратилган. Навбатдаги асосий масала унинг сифатини ошириш, тизимда юзага келадиган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишдан иборатдир.

Зокир НУРОВ,
Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи директори,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти томонидан «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилган навбатдаги дара суҳбатига депутатлар, партия фаоллари, талабалар ҳамда ўқувчилар иштирок этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

«Депутат ва ёшлар»

лойиҳаси давом этмоқда

Жойларда ёшлар билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларнинг самарадорлигини ошириш кераклиги таъкидланди. Йигит-қизларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганишда «Истикбол» ёшлар қаноти фаолларининг иштирокини таъминлаш масаласи атрафлича муҳомама этилди.

Таъкидлаш керакки, «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоллари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда ҳудудлардаги муаммоларни, уларнинг келиб чиқиш сабабларини изчил ўрганиб, ўз тақлифлари билан чиқмоқда. Ана шу тажрибадан кенг фойдаланиш, депутатлар ва ёшлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим масала экани қайд этилди.

Тадбирда депутатлар ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, уларни ўйлантирадиган масалалар ва муаммолар билан яқиндан танишди.

Жиззах шаҳар ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси **Хумора Ортиқова** коллеж кутубхонасида ўқувчилар учун адабиётлар, бадиий китоблар сонини янада ошириш зарурлигини айтиб ўтди.

Жиззах педагогика коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари **Иноят Донишова** коллеждаги давомат масаласини кўтарди. Ўқитувчи **Гулноза Почтаева** ўқишга келмаётган ўқувчилар ота-оналарининг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини янада ошириш зарурлигини қайд этди.

Депутатлар ҳар бир масалани назорат-таҳлил тартибидеа ўрганиб, уларнинг ечимини топиш бўйича тегишли чоралар белгиланишини маълум қилишди.

Акбар МАЪМУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси ўринбосари.

Ўзбекистон ХДП: янги лойиҳа

«ҲАР БИР ИНСОНГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ — БУРЧИМИЗ!»



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, жисмоний имконияти чекланган шахсларга зарур шароитлар яратиш бериш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, хотин-қизларни ўйлантираётган муаммолар ечимига кўмаклашиш, улар учун барқарор иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз!» деб номланган янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Лойиҳадан кўзланган мақсад, уни амалга ошириш доирасида ўтказиладиган тадбирлар ва қутулаётган натижалар хусусида партия фаолларининг фикрлари билан қизиқдик.

Гулшан АСАТОВА,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Биринчи навбатда, ногирон аёллар ҳолидан хабар олиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш масалаларига эътибор қаратамиз.

Имконияти чекланган хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўйга чиқариши

масалалар ўрганилади. Ишчи гуруҳ аёлларнинг яшаш шароити, давлат томонидан белгиланган имтиёزلардан қай даражада фойдаланаётгани тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаб, партияларнинг туман, шаҳар кенгашига тақдим этади.

Санам ЖУМАМУРОВА,
Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон Республика кенгаши сектор мудири:

— Биз янги лойиҳамизни инсон манфаати ҳамма нарсадан устун деган ғоя асосида амалга ошираемиз. Аввало, шуни айтиш керакки, имконияти чекланган кишилар жамиятда муносиб ўрин топиши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу борада ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси бўйича амалий ишлар олиб бориляпти.

Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга асосан, ягона ҳуқуқий база яратилди. Уларга турли соҳаларда қатор

имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёزلардан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Шунинг учун лойиҳа доирасида қонунлар ижроси қай даражада бажарилаётгани ўрганилади. Шунингдек, ногиронлар ижтимоий ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш босқичида олиб бориладиган ишлар, улар учун қонунларда белгиланган имтиёзлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Жамила ШУКУРАЛИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири:

— Жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамадан, бирор бир меҳнат тури билан шуғулланаётган, ўз мустақил ишини бошлаш истагида юрган хотин-қизлар оз эмас. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам фаолиятини дадил бошлай олмайдилар. Ҳуқуқий маслаҳатга, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Лойиҳа доирасида ўтказиладиган тадбирлар орқали бу борада хотин-қизларга яқин кўмакчи бўлишни ният қилганмиз.

Депутатлар, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида муаммоларга ечим топилади. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти бор аёлларга кредит олишида, қўлида ҳунари бор опа-сингилларимизни касанчилик асосида ишга жойлаштиришда ва бошқа зарур эҳтиёжларини таъминлашда амалий ёрдам берилди.

Лойиҳа доирасидаги тадбирлар давомида аниқланган муаммолар умумлаштирилиб, жойлардаги партия гуруҳларига тақдим этилади. Бу кейинчалик ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни доимий комиссия ёки сессиялар муҳокамасига олиб чиқишга асос бўлади.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ВА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА



Амалий мулоқот чоғида парламент қуйи палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида амалдаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини мустаҳкамлашга қаратилганлигини қайд этиб ўтдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ мазкур қарорлар халқ томонидан кўтаринки руҳ билан қабул қилиниб, бу ҳақда мамлакатимизнинг турли ҳудудларига бўлган ташрифлар чоғида депутатлар мулоқот қилган минглаб фуқароларимизнинг фикрлари гувоҳлик бермоқда.

Шу сабабли депутатлар қонун лойиҳаларини ҳудудларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш, одамларнинг турмуш сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолияти учун қулай шароитлар яратишни кўзлаб муҳокама қилдилар. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча институтларининг самарали фаолиятини таъминлашда ҳакам ўринини тутувчи суд тизимининг иши аниқ, бир маромада бериши зарур.

Парламент аъзолари таъкидлаганларидек, суд тизими бениқсон ишлаши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Судлар тўғрисида»ги қонунга ва бир қатор процессуал кодексларга киритилаётган, янгида ташкил этилаётган маъмурий ва иқтисодий судларнинг тегишли ҳуқуқий базасини яратиши ва, шу билан бирга, қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта қўриб чиқишга доир бир-бирини тақдорловчи инстанцияларни чиқариб ташлаш ҳолда ишларни қўриб чиқиш тартибини соддалаштириш лозим бўлган ўзгариш ва қўшимчалар айнан шунга қаратилган. Шунингдек, депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси суд ҳокимиятининг чи-накам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга ошираётган, суд кадрларини танлаш ва жойлаштириш учун масъул орган деб ҳисобланар эди. Бунда Комиссия, аниқ ҳуқуқий мақомага эга бўлмаган ҳолда, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган, судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, судьяларни рағбатлантириш чора-тадбирлари ташаббуси билан чиқиш юзасидан ваколатларга эга бўлмаган. Мазкур қонун ушбу қамчиликларнинг ўрнини тўлдиршига ва конституциявий орган мақоми ҳам берилиб, ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган.

Умуман олганда, мажлис давомида таъкидланганидек, ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг ягона олий орган — Олий суд раҳбарлигида судлар фаолиятининг, маъмурий суд иш юритуви ҳамда ҳўжалик иш юритувининг ўрнига — иқтисодий иш юритувининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Муҳокама қизиқарли баҳс тарзида ўтган бўлиб, бу кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини ҳар томонлама қўриб чиқиш имконини берди.

Сўнгра, депутатлар конституциявий ваколатларига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2016 йилда ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқдилар. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Бунга сиёсий партияларни ривожлантириш, улар фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база имкон берди. Депутатлар сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий-кадрлар, бошқа имкониятлари ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда ижро этишда катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтдилар, шунинг учун уларни ҳамма билиши ва уларнинг очик бўлиши жуда муҳимдир.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар сиёсий партияларнинг 2016 йилда ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Мажлис давомида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Ҳаётимиздаги том маънодаги янгиликлар ва ўзгаришлар халқимизга маъқул ва манзур бўлмоқда.



жамоаси

халқимизни



Наврўз шодиёнаси

билан муборақбод этади.

«Агробанк»нинг миллий валютадаги «Мулоқот», «Халқ фаровонлиги»,
«Манфаат» номли омонат турлари албатта сизга манзур бўлади.
Банк томонидан жорий этилган 22 турдаги миллий ва хорижий
валютадаги омонат турлари орқали сиз ўз маблағларингизни
кўпайтиришингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси
барча юртдошларимизни Наврўз байрами
билан қутлайди!

«Ипотека-банк» сармоялари сизга
хонадонингизда шинамлик ва қулайлик
яратишда кўмаклашади.

«Ипотека-банк» хизматларидан
фойдаланинг!

Биз имконият яратамиз!



Имконият yaratamiz

Кўшимча маълумотларни www.ipotekabank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.



«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

қўшма корхонаси жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ГЎЗАЛЛИК ВА
НАФОСАТ АЙЁМИ —
НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!



Маҳсулотлар сертификатланган.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17662
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:40
Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6